

"Имтихондан мақсад иккичидан аълочини ажратиб олиш, холос". Ж.

МУЛОХАЗА

7-синфдан бошлаб ўрта таълимни яқунлагунича мен таълим олган ўқув даргохи аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган мактаб-интернат бўлиб, у ерда фақат ўғил болалар ўқир эди. Йил давомида маъмурият томонидан махсус, бир куннинг ўзида ўндан ортиқ фандан олинадиган, машаққатли имтихонлар ўтказилар эди. Одатий имтихонлардан фарқли равишда, у имтихон натижалари бўйича мактаб рейтингини тузилиб, рейтинг бутун мактаб эътиборига хавола қилинар ва маъмурият даражасида муҳокама қилинади. Чорак имтихонларига алоқаси бўлмаган бу имтихонлардан ўқувчилар жуда кўрқарди. Чунки унинг натижалари синфнинг ичида қолиб қетмас, балки бутун лицей (мактаб-интернатни биз шундай атаар эдик) олдида намойиш қилинади. Айниқса, хар куни эрталаб 400-500 чоғли ўқувчи йигитлар лицей ховлисида синфма-синф саф тортиб директор, директор ўринбосари ёхуд собиқ харбий, ЧЁТ фани ўқитувчиси бошчилигида ўтадиган йигилишда айрим натижалар эсга олинмай ўтмас эди. Намунали натижа кўрсатган ўқувчилар ҳаммага ўрнатқ тарикасида кўрсатилар, ёмон натижа кўрсатган ўқувчиларга ҳаммининг олдида танбех берилар эди.

Шунингдек, ўғил болалар лицейи бўлган бу масканда ўзига яраша шўхликлар талайгина эди. Хар куни йигилишда муҳокамага бир мавзу топилар эди. Ёш бўлганимиз учун имтихонлар олдида ётоқхонада, ўқув биносида ёки спорт майдончасида қилинган турли-туман хунарлар тонгги йигилишда муҳокама қилинади. Шу йигилишларда И. исмли маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари тез-тез нутқ ирод қилар, ўқувчилар билан суҳбатлашиб турар эди. Шу инсон маъмурий имтихонлар арафасида доим такрорлайдиган бир гапи бор эдики, ана шу сўзлар хали ҳам қулогим остида жаранглайди. Яъни: "Маъмурий имтихонлар яқин. Хали галвир сувдан кўтарилганда, кўрамиз ахволларингни. Имтихон келиб қолмасидан харакатларингни қилларинг!" дерди.

Одатий имтихонлардан бир неча баробар қийин ўтадиган ва муҳимлик даражаси анча юқори бўлган маъмурий имтихонга алоҳида тайёргарлик кўрилар эди. Галвир сувдан кўтарилганда, қим қандай тайёргарлик кўргани маълум бўладиган, иккичи билан аълочи ажратиладиган қун қелганида ҳаммининг олдида шарманда бўлиш, хатто муассасадан хайдалиш хавфи биринчи туртки, ўқувчилар орасида оқилона ташқил қилинган мусобақалашу рухияти иккинчи туртки, маъмурий имтихон натижаларидан ота-оналар сўзсиз хабардор қилиниши учинчи туртки бўлиб хизмат қилар эди. Тан олсак ҳам, олмасак ҳам, хали ёш, масъулиятни тўлиқ англаб етмаган холимизда имтихонда яхши натижа кўрсатишимизга билим олиш иштиёқидан кўра мана шу юқорида саналган уч омил кўпроқ таъсир ўтказар олар эди. Бизга туртки бўлаётган ақсар омилларнинг

замирида эса кўрқув ётарди (айтганча, замирида кўрқув ётган айнан мана шундай омиллар хаётимиз давомида жуда кўп муваффакиятларга ўз хиссасини кўшди).

Лицей хақидаги хотираларни ёдга олганим бежиз эмас. Ўйлаб карасам, бутун хаётимиз мана шу лицейда ўтган 5 йиллик хаётимга ўхшаб кетар экан. Чунки, лицейда имтихонга тайёрланишга дангасалик килганимдек, баъзи солих амаллар, хайрли харакатлар ёхуд баъзи тоатларни бажариш эриш туйилиши ёки дангасалик голиб келиши мумкин экан. Майда-чуйда кундалик муаммоларимиз ўкитувчи билан дарсда бўладиган савол-жавобларга, каттарок гам-ташвишлар чорак имтихонларига, айрилик, жудолик, йўқотиш каби улканрок мусибатлар маъмурий имтихонларга, оламлар Роббиси Аллох таолонинг олдидаги киёмат савол-жавоби эса лицей ёки университетдаги агар яхши топширилса, диплом бериладиган якуний имтихонга ўхшар экан. Йўк, аксинча, ўқув даргоҳдаги имтихон охирадаги имтихонга ўхшаса ажабмас.

Энг кизиги, бир-бирига ўхшаш бу икки имтихонда муваффакият козониш усуллари хамоханглиги билан кишини ажаблантиради. Лицей имтихонларидан ўтиб, лицейни эсон-омон битириб олиш учун маъмурият томонидан ўрнатилган бир катор тартиблар, ўкитувчи кўйган талаблар бор; имтихон саволлари олинадиган китоблар маълум, имтихон кандай бўлиши маълум, саволларнинг турлари хам маълум. Яъни хаммаси аник-равшан. Синовни муваффакиятли топшириш учун берилган материални яхшилаб ўқиш керак. Имтихон куни “мен китобнинг бу бетидан ёки айнан шу мавзудан савол тушишини билмагандим” деган гап кетмайди. Чунки муаллим манбани аник-тиник килиб айтиб кўйган ёки тушадиган саволлар хақида аввалдан бирламчи маълумот берган бўлади. Ўқувчининг вазифаси жавон ёки сумкадан китобни олиб ўкиб, кунт билан тайёрланиш, холос. Шу кифоя. Имтихон куни ўкитувчи бирор макр килиб колмаса, синовни яхши бахога топшириш эхтимоли жуда баланд. Бирок шундай холатда хам 100 фоиз ишонч йўк. Энг билимли ўқувчилар хам хадикда туриши холатлари учраб туради. Чунки лицейда имтихонлардан ташкари кундалик хаёт, лицей ўрнатган конун-коидалар, амал килиниши керак бўлган тартиблар мавжуд. Ва хеч ким кўрмаганда назоратчиларнинг кўзини шамгалат килиб, баъзан хатто очикчасига бу коидаларни бузиш холатлари учраб туради. Шунинг учун айрим билимли ўқувчилар хам “Ўкитувчи кайсидир шўхлигимга аччик килиб, имтихонда кувлиги тутиб колса ва бир адабингни берай, деб имтихондан йикитиб юборса, нима киламан”, деган хаёл ўтади.

Демак, имтихон учун манбалар аник бўлса-ку, майли. Аммо саволлар олинадиган манбалар аввалдан аник бўлмаса-чи? Мисол учун, куни кеча четга кетмокчи бўлганларнинг имтихонидаги тўс-тўполонни кўрдингиз. Кандайдир тушунмовчиликлар бўлди. Норозиликларнинг асосий кисмида "Биз бундай саволлар бўлишини билмагандик. Биз тил махоратидан имтихон бўлади деб ўйлабмиз", деган нолалар эшитилди. Яъни саволларнинг табиати бундай бўлишини хеч ким кутмади. Хамма чув тушди.

Мактабда эса ундай эмас. Кайси китоблардан, кайси манбалардан саволлар тушиши аник. Лекин шу холатда хам биз мактабнинг синовларидан ўлгудек кўркар эдик. Чунки синовнинг бўлиши мукаррар эди. Унинг олдини олишнинг иложи йўк эди. Ахир имтихон бўлмаса, кандай битирамиз? Битирмасак, кандай диплом оламиз? Шу сабабли синовларга астойдил тайёрланар эдик. Кайсидир мактабларда, кимлардир кўркмаган

бўлса, демак, хоотири жам бўлганки, имтихонлар бир нави ёхуд таниш-билиш деганларидек. Уларга “имтихонга тайёрлан, жиддий бўл, хозирча бир амаллаяпсан, якуний имтихонда нима киласан”, деб кулогидан тортишнинг хожати хам йўк. “Кандайдир ёрдам”дан умиди бор ўқувчига бу гаплар бефойда. Барибир амаллаб битириб олади.

Имтихонларга бой мактаб даврига ўхшайдиган бу ўткинчи хаётимизга карасак, унинг хам имтихонларга тўла эканини кўрамиз. Энди табиий саволлар тугилади. Бизни кутиб турган хаётимизнинг якуний имтихони-чи? У кандай бўлади? Муаллим ким? Манба кани? Кандай саволлар тушади? Ундан муваффакиятли ўтмок учун нималар килмок керак? У имтихон хусусида хотиржамликка берила оламизми? Кандай танишни ишга солса бўлади? Ёки “шпаргалка” тайёрласакмикан?

Бу саволларимга зехни ўткир одамлар тезда жавоб бериб улгуришди. Албатта, хаммаси оддий. Бизнинг манбамиз Куръон, муаллимимиз эса Расулulloх алайхиссалом. Бу хаётимиз эса имтихон. Улкан синовдамиз. Якуний имтихонни бизни яратган Зот олади ва унинг натижаларига караб "ўтамиз" ё "йикиламиз".

Мактаб имтихонларини эслаганим сари хаёт имтихонлари ва замонларнинг охирида оламларни яратган Зот оладиган якуний имтихон ёдимга тушаверади. Кундалик, чорак ёхуд маъмурий имтихонларни (албатта, улар хар доим турли гам-ташвиш кўринишида келади) амаллаб топшириб юрибман, Яратганга шукр. Мабодо адашиб колсам, натижам паст чикиб колса, дарров ўнгланиб, кайта топшириб, натижани яхшилаб олиш имкониятим бор. Хозирча. Хали битирмадим-да чунки (танамда жоним бор хали, Яратганга шукр). Аммо якуний имтихонни ўйласам, каттик кўркинчга тушаман. Бир муддатга эсанкираб коламан. Бундай холатда комиллик сари интилаётган инсон кандай йўл туттади? Ундай инсон ўзини кўлга олиб тайёргарликни кучайтиради, кўрсатмаларни диққат билан ўкиб, мунтазам тайёргарликни ошно туттади. Чунки нафас олиб турган хар бир инсон хурсанд бўлсинки, афсус-надоматга ўрин йўк. Якуний имтихон эшик кокиб келиб колмаган экан, ўнгланишга хар доим имконият бор. Мухими якуний имтихон азаматини хис кила олиш. Боя айтдим-ку, замирида кўркув бўлган омиллар бу хаёти дунёда канча дунёвий манфаат келтирди, хакикий имтихонда ёрдами тегмасинми? Худди хаётдаги каби у имтихон хусусидаги кўркувда хам катта фойдалар бор.

Баъзида эса мактаб давридаги каби бу ўткинчи хаётда хам ўйинкароклигим тутиб колади. Ўзимни худди хеч качон битирмайдигандек, якуний имтихон топширмайдигандек туттаман. "Дунё билан динни тенг ушлаш керак", деб ўзимга-ўзим акллилик киламан-да, яна ўзим гапимда турмайман. Тарозининг “дунё” палласи огир тош босиб кетиб колади. Ана шундай холатларда ортикча хою хавасга берилмасдан, ўзни кўлга олиб, мен боядан бери кайтариб чарчамаган имтихонни ёдга олиш керак бўлади. Жилла курса бояги дунё билан динни тенг ушлаш хакидаги баландпарвоз сўзларнинг исботи учун хам шундай килиш керак бўлади. Дунёимни канчалик яхши кўрмай, динимга хам инсофсизлик кила олмайман ахир. Чин маънода тенг ушлашим керак. Ахир имтихон мукаррар. Кимимга ишонайки, якуний имтихонгача бўлган даврда хотиржамликка берилсам, нафсимга эргашсам, имтихон учун кўйилган кўрсатмалар изидан юрмасам. Майли, Аллох берган неъматлардан тўлалигича фойдаланай. Майли, завку шавк, хурсандчилик каби неъматларни-да унутиб кўймай. Аммо гох-гохида чегарани билмай коламан, хаддимдан

ошиб кетаман. Демак ўз устимда кўпрок ишлашим керак. Демак, чегара деган нарсани яхши англаб етишим керак. Чегарани англаш илм билан. Илм эса кўп китоб ўқиш билан келар экан. "Китоб ўқисам, килиб юрган ишларим хатолигини билиб қоламан-да", дейишдан кўра ана шу илмни эгаллаб, хатоларни бартараф этиш устида ишлаш яхшироқ эмасми?! Акс холда имтихон куни менга ўзимдан бошқа ким ёрдам беради? Кайси танишимдан умид қилайки, у кунда хатто ана шу танишимнинг ўзи ҳам мен катори имтихонда бўлса. У имтихонда таниш-билиш кетмайди ахир. Олий Хакамнинг кўзини шамгалат килиб бўлмайди ахир. "Мен билмагандим", деб бўлмайди ахир. Чунки технология ривожланган XXI асрда Олий Хакам бизнинг ҳаётимизни эслатмалар, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар билан тўлдириб ташлаган. Имтихон куни жон талвасасида турганимизда "ҳаёти дунёда сўқир эдим, қулогим эшитмас эди", деб бахона қилишимизга ҳам имконият қолдирмаган хатто. Бизга намуна, ўрнатма бўлсин деб, сўқир кўзларимиз, қар кулоқларимизга даво бўлсин учун атрофимизни яқиний имтихонга биздан-да аълоқроқ тайёрланаётган инсонлар билан лиммо-лим қилиб қўйган. Мен учун намуна бўлган атрофимдаги инсонларнинг ўзлари ҳам "Олийларнинг Олийси имтихон куни қайсидир қилган хатоларим учун "мақр" қилиб мени йикитиб юбормасин" деб турган, Унинг раҳматидан умидвор бўлиб ҳокисорлик ила яқиний имтихон қелиб қолишидан олдин тайёрланиб улгуриб қолай деб турган бир пайтда, мен нимамга ишонай? Кимимга ишонай? Кайси бахонамни тайёрлаб турай? Йўқ. Ҳеч қандай бахона ўтмайди. Ҳеч қандай! Фақат ва фақат муносиб тайёргарлик! Бошқа ҳеч нимарсанинг менга манфаати тегмас!

Бизни йўқдан бор қилган Зотга чексиз мактовлар бўлсинки, яхшиям Китобимиз, муаллимимиз, унинг кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари бор. Миллиардлаб бошқа инсонларда йўқ, бизда эса бор. Илоҳо, уларга ҳам тавфик берсин! Шунингдек, яхшиям лицейдаги домла қаби "галвир сувдан кўтарилганда кўраман ахволингни; ҳаракатингни қил, бола", деб қулогимиздан тортиб турадиган аҳли илмлар, уларнинг китоблари ва бир қанча дўстларимиз бор. Яхшиям. Яратганга шукр.

СЎНГСЎЗ

"У (Аллоҳ) сизларнинг қайси бирингиз яхшироқ амал бажаришингизнинг имтихони учун ўлим ва ҳаётни яратди. У азиз ва ўта мағфиратлидир", (Мулк сураси, 2-оят).

Тошкенбой
07.04.2017